

**Рустамов Д.Р. – ТМИ,
доцент, и.ф.н.
Абдуллаева М.Ҳ. - ТМИ,
ўқитувчи**

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА РИСК МЕНЕЖМЕНТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада иқтисодий ривожлантиришда риск менежменти ва унинг тизими ҳамда шу соҳанинг объектив зарурлиги ҳақида ёритилган. Мақолада жаҳон амалиётидаги рискли вазиятларнинг иқтисодийда таснифланиши кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада иқтисодий модернизациялаш шароитида стандарт риск менежменти тизимидан фойдаланиш усуллари тавсия этилган.

Таянч сўзлар: стандарт риск, риск рейтинги, рискларни бошқариш, рискни қопланганлик даражаси, рискли вазиятлар.

В статье рассмотрено объективность и необходимость риск менеджмента и его системы в экономической развитии. В статье рассмотрено международный опыт экономических рисков. Также в статье даны предложение по использованию стандартов системой риск менеджмента в период модернизации экономики.

Ключевые слова: Стандарт риска, рейтинг риска, управление рисками, уровень покрытия риска, рискованные условия.

The article is studied the importance of improving the financial activity in risk. The article is observed global experience the order of the risk situation. Furthermore, using for measurements and estimation methods in risk system.

Key words: standart risk, risk level, managing risks, covering up the risk level, risk situations.

Рисклар ҳар қандай ташкилотнинг молиявий ҳолатига зарар келтириши ва корхонанинг бутунлай банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб корхоналар фаолият давомида рискларни бошқариш орқали унинг хавф даражасини пасайтиришга ҳаракат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналардан фаолиятнинг юқорида келтирилган тамойилларини ўзгартиришни талаб қилади. Энди ҳар бир бозор муносабатлари субъектининг фаолияти қонун доирасида ўз меъёрларига эга бўлди. Бир сўз билан айтганда риск – фаолият юритиш давомида турли хил омилларнинг ўзгариши натижасида

юзага келиши мумкин бўлган хатар ёки хатарлар мажмуасидир. Ташкилотларда риск ҳисоб характери бўйича баланс ва балансдан ташқари операциялар бўйича рискларга бўлинади.

Кўп ҳолларда баланс операциялари бўйича кредит rischi балансдан ташқарига ўтади, масалан ташкилотнинг банкротлиги ҳолати юз берганда. Бундай ҳолатда муҳим бўлиб, у ва бу фаолиятдан кўрилиши бўлган зарарни тўғри ҳисобга олиш ҳисобланади.

Рискни бошқариш имкониятлари ва методлари бўйича рисклар очик ва ёпиқ турларга бўлинади. Очик рисклар бошқарувни талаб этмайди. Ёпиқ рисклар эса, диверсификация сиёсатини амалга ошириш йўли билан бошқарилиб турилади, яъни ташкилот жами операциялари ҳажми кўплаб миқдордаги майда кредитларга тақсимланади; депозит сертификатлари чиқарилади; кредит ва депозитлар суғурта қилинади; актив ва пассивларни бошқаришда ўйлаб, эҳтиёткорлик билан иш олиб борилади. Фаолият натижасига таъсири бўйича риск соф ва спекулятив (сунъий) бўлади. Соф рисклар доимо йўқотишларга олиб келса, спекулятив рисклар банкка қўшимча даромад ҳам олиб келиши мумкин.[1]

Кўплаб молиявий рисклар ичида банк соҳасида қуйидаги энг муҳим рискларни келтиришимиз мумкин[2]:

I. Кредит rischi. Банкнинг қарз олувчилар билан тузган шартномасида берилган шартларни тўғри қўймаслиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган риск.

II. Баланслашмаган ликвидлик rischi. Банк ликвидликни сақлаш учун юқорида фойз ставкаларида ресурслар жалб қилиши ҳолатида юзага келадиган зарарлар rischi ҳисобланади.

III. Бозор rischi. Банк активларни шакллантиришда ишлатилган молиявий инструментларнинг бозор котировкалари тебраниши ҳолатида юзага келувчи риск.

IV. Валюта rischi. Банкнинг валюталар курси тебраниши натижасида юзага келадиган зарарлари.

Ҳар бир рискнинг ўзига хос хусусияти ва уларни баҳолаш, назорат, мониторинг ва унинг бошқариб туриш йўллари ва босқичлари бор. Рискнинг қандай йўл билан келиб чиққанлигини ва келиб чиқишда қандай хусусият ва омил етакчи бўлганлигини аниқлаш учун банк рисклари умумий классификация қилинади. Бу классификация орқали банк фаолиятида рискнинг пайдо бўлишининг барча қирраларини таҳлил қилиш ва ўрганиш мумкин.

Бизнинг фикримизча эса, рискларга бериладиган барча таъриф ҳам тўғри деб олсак бўлади. Биринчи таърифнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда

ташкilotларнинг ёки банкларнинг фонд бозорида амалга оширадиган операциялари бўйича фоиз рискларини ҳам қамраб олинган.

Фоиз рискининг банкларга тегишли ўзига хос жиҳати шундаки, банклар:

- катта ҳажмда ссуда беради;
- фоиз rischi асосида спекуляция қилади.

“Фоиз rischi доимий рўй берадими ёки ундан қочиш мумкинми?” деган савол туғилади. Назарий жиҳатдан мумкин, агар активлардан олинадиган даромадни (кредит фоиз ставкасини) муддатлари ва миқдорлари бўйича жалб қилинган маблағлар муддат ва миқдорига мос равишда баланслаштириб турилса, риск йўқолади. Аммо амалий жиҳатдан ҳар қандай вақтда барча кредитларни бундай баланслаштириб бўлмайди, банклар ҳам бундай сиёсат олиб боришга иштиёқманд эмас. Шунинг учун ҳам банклар доимо фоиз рискига дуч келишади, бу эса фоиз riskидан қочишга эмас аксинча уни бошқариб туришга олиб келади.

1-жадвал

Фоиз рискинни баҳолаш активлар ва пасивлар муддатига қараб ўзгариши[3]

Кўрсаткичлар	Миқдор, млн сўм	Кредит фоиз ставкаси, %	Кредит муддати	
			I вариант	II вариант
Баланс активи, кредит	250	9	7	7
Баланс пасиви	250	9	7	3


Бундай юзага келиши мумкин бўлган riskни кредит шартномасида кўриб чиқиш керак, агар лозим бўлса пасив таркибини ўзгартириш зарур.

Фоиз рискинни юзага келтирувчи омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг моҳияти тўғрисида фикр юритамиз.

Динамик ёндашув эса кўрсаткичларни динамик равишда тренд бўйлаб ўзгаришини ҳисобга олади. Бу мақсадни амалга ошириш учун муайян бир санадаги аниқ маълумотлар зарур бўлиб, олдинги сана билан таққосланади ва прогноз кўрсаткич топилади. Яқунда статистик маълумотга айланади. GEP ҳолати зарур қарорни қабул қилиш учун систематик равишда баҳолаш амалга оширилади. Барча мумкин бўлган пул оқимлари ҳисобга олинади (маълум бўлган ва маълум бўлмаган, прогноз қилинган яъни, биз аниқ бир маълумотларга эга бўлган ва эга бўлмаган ҳолда прогноз қилишимиз мумкин бўлган). Иқтисодийни модернизациялаш шароитида риск менежментини такомиллаштириш масалалари асосан банклар учун биринчи даражали ҳисобланади. Чунки, банкларда молиявий маблағларни тасарруф этишда кенг қамровли рискга йўл қўйилади. Бундай ҳолатларда эгри даромад чизиғи rischi яққол кўзга ташланади. эгри даромад чизиғи rischi - банк эгри даромад чизиғининг салбий ҳаракат қилиши

ёки ўзгариши туфайли банк фойдасининг ёки банк капиталининг камайиши. Банкларнинг ўз активларини жойлаштириш структураси фоиз ставкаси бўйича риск ҳолатини аниқлаб беради. Яъни, бу ҳолат кўпроқ банк ресурсларни узоқ муддатга ўзгармас фоиз ставкада қўйиб, уларни ўзгарувчан ставкада жалб қилса. Агар фоиз ставкаси тушиб борса тўғри банк даромади ўзгармаган ҳолда унинг ресурслари нархи тушиб боради. Бу орқали даромад эгри чизиғи юқорига кўтарилади. Бундай ҳолатда банк фоиз ставкасини ўзгаришини ҳисобга олиши лозим. Лекин агар, фоиз ставкаси кўтарилиб борса, банк даромади ўзгармаган ҳолда, у жалб қилган ресурслар баҳоси ошиб боради ва банк мажбуриятларини қоплаш учун ўз капиталидан фойдаланиб тўлашига тўғри келади. Бу эса банк учун ижобий натижа бўлмай, аксинча унинг банкротлик ҳолатига олиб келувчи фактор ҳисобланади. Банк даромад эгри чизиғи яна облигациялар даромадлиги билан ҳам боғлиқ бўлиб, даромадлилик қанча кўп ортиб борса, облигациялар қиймати ҳам тушиб боради.

Агар графикда кўрадиган бўлсак, қуйидагича бўлади:



1 - расм. Даромад эгри чизиғи[4]

M - муддат (бу ерда вақт ўтиши билан деган маънода)

R - фоиз ставкаси

D -даромад эгри чизиғи

а) графикда фоиз ставкаси ўзгармас шароитда даромаднинг ўзгариш графиги кўрсатилган. Унда депозитлар ва кредитлар ўртасидаги маржа ўзгармас бўлиб бир хилда ўсиб боради.

б) графикда юқорида айтганимиздек, ўзгармас ставкаларда узоқ муддатли кредит бериб, ўзгарувчан ставкаларда ресурс жалб қилингандаги даромад эгри чизиғи. Муддат ўтган сари фоиз ставкаси ошиб борса даромад эгри чизиғи ҳам

пастга ҳаракат қилади. Мазкур тадқиқотлар жараёнида, бир томондан, риск-менежменти имкониятлари бирмунча орттириб кўрсатилиши рискларнинг умумий назарияси яратилишига бўлган талабни оширган бўлса, бошқа томондан, шу кунга қадар иқтисодий-илмий ишланмаларда молия rischi тушунчасининг моҳияти тўлалигича очиқ берилмаганлиги, бу йўналишда тадқиқот ишларини олиб боришнинг долзарблигини янада орттирганлигини таъкидлаш лозим. Бизнинг назаримизга кўра, “риск менежменти” тушунчасига берилган турли талқинларга асосланиб, тадқиқотчиларнинг назарий қарашларини қуйидаги 3 гуруҳ кесимида туркумлаш мумкин.

- биринчи гуруҳ тадқиқотчиларининг талқинига кўра, риск, кэнг маънода, номаълум воқеялик-ҳодиса бўлиб, унинг юз бериши оқибатида фаолиятга ижобий ёки салбий таъсир етказилиши мумкинлиги таъкидланади;

- иккинчи гуруҳ ва килларининг қарашларига кўра, риск фаолият сифатида ютуқли натижага еришиш мақсадида амалга оширилган саъйи-ҳаракат ҳисобланади;

- учинчи гуруҳ ва киллари riskни, муқобил вариантлардан бирини танлаш жараёнида ютуққа эришиш ёки хатога йўл қўйиш эҳтимоли сифатида талқин этишади. Бундай қарашлар доирасидаги тадқиқотлар салмоқли бўлиб, муаллифларнинг асосий қисми молия rischi – бу молия воситаларига эгалик билан боғлиқ, шунингдек, молия институтлари актив ва пассивларининг параметрлари ўзаро мос эмаслиги оқибатида йўқотиш (зарар кўриш) эҳтимоли эканлигини таъкидлашади. Кейинги вақтларда ушбу гуруҳ тадқиқотчилари “эҳтимол” тушунчасининг ўрнига “имконият” сўзини кўпроқ қўллаётганликларини маъқуллаб бўлмайди. Юқоридаги ёндашув ва фикр-мулоҳазаларга асосланиб, молия институтлари рискларининг қуйидаги асосий белгиларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- мазкур рисклар ноаниқлик ҳолатида юзага келади ва уларнинг асосий мезони эҳтимоллик назариясига асосланади;

- рискнинг пировард натижаси (оқибати) мол-мулкни йўқотиш, фойдани қўлдан чиқариш ҳисобланиши молия институтлари фаолияти бевосита риск қамровида кечишини англатади. Бизнинг фикримизча, молиявий рискларнинг бозор рисклари, ликвидлилик рисклари, фоиз рисклари, кредит рисклари ва валюта рисклари каби турлардан иборатлиги қайд этган тасниф бирмунча илмий асосланган ҳисобланади. Бозор рисклари ҳамда кредит рисклари тегишли молиявий воситаларга эгалик қилиш жараёнида юзага келади. Бу икки турдаги рисклар, айни вақтда ўзига хос, алоҳида ёки тизимли ҳодиса сифатида нафақат аниқ бир молия институтининг саъйи-ҳаракатлари, балки бозордаги ўзгаришлар таъсирида кечишини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Хулоса қилиб айтганда, рискнинг табиатини моҳиятан аниқлаш бирмунча мураккаб кечади. Бу ҳолат фоиз rischi маблағларни жалб этиш ва уларни

жойлаштириш ставкасининг тўлиқсиз корреляцияси натижаси сифатида намоён бўлиши билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Г.С. Панова. Анализ финансового состояния организации.-М.: Финанси и статистика, 1996;
2. Basel committee: Consultative Document Principles for the Management and Supervision of Interest Rate Risk. 2003;
3. Ш.З. Абдуллаева, И.Я. Қуллиев.: “Банк рисклари” фанидан ўқув услубий қўлланма. 2014;
4. Г.С. Панова. Анализ финансового состояния организации.-М.: Финанси и статистика, 1996.